

**“Gidropoekt” акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича акциядорларга  
Хабарнома**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

“Gidropoekt” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 30 сентябрь қуни соат 11:00 да Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Тел: (71) 205-80-80

Йиғилишқатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.gidropoekt.uz](http://www.gidropoekt.uz)

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва саноқ комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Жамият ижроия органининг “Gidropoekt” АЖнинг 2019 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисботи.
3. “Gidropoekt” АЖнинг 2019 йил бўйича йиллик ҳисботини тасдиқлаш.
4. “Gidropoekt” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш яқунлари тўғрисида.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилда “Gidropoekt” АЖ фаолиятини бошқаруви бўйича ҳисботи.
6. “Gidropoekt” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2019 йил яқунлари бўйича аудиторлик текшируви холосасини эшлиши.
7. “Gidropoekt” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2019 йил яқунлари бўйича тафтиш комиссияси текшируви холосасини эшлиши.
8. Жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартиби.
9. Жамият ижроия органини кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга сайлаш (қайта сайлаш).
10. Жамият кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. “Gidropoekt” АЖнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. Аффилланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъкуллаш.
14. “Gidropoekt” АЖнинг “Кузатув кенгashi тўғрисида”ги низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 8 сентябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 25 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигада белгиланган

тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун–нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун–мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибиға киритилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар билан "Gidropoeekt" акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Кўшимча маълумот олиш учун қуидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда. электрон почта: [info@gidropoeekt.uz](mailto:info@gidropoeekt.uz), тел: 71-205-80-80

**"Gidropoeekt" АЖ Кузатув кенгashi**